

КРЕДИТ-МОДУЛ ТАЪЛИМ МУХИТИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ МОБИЛЛИГИНИ МУСАТҚИЛ ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ ШАКЛАНТИРИШ

*Турабов Анвар Мавлонқулович
Жиззах политехника институти,
“Профессионал таълим” кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация

Ушбу мақолада олий таълимда кредит-модул таълим мухитида бўлажак мутахассисларниң ўзида касбий мобиллик сифатларини шакллантириб бориши, ўзини-ўзи ривожлантиришининг диалектик боғлиқликдаги - таълим ва мустақил таълимни амалга ошириш воситалари ва компонентлари, усуллари ҳамда шарт-шароитлари хусусида фикр юритилган. Шунингдек, мустақил таълимниң ҳозирги замонавий таълим шароитидаги аҳамияти тўғрисида мухим маълумотлар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: мустақил иш, фаоллаштириш, мослашувчанлик, ижодийлик, ҳаракатчанлик, индивидуаллаштириш.

Дунёнинг, илм-фанинг, иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг тезкор ривожланиши Ўзбекистонда чукур ислоҳотлар шароитида таълимга катта эътибор нуқтаи назаридан - ёшларга чукур ва асосли билим бериш билан бирга кенг қамровли фикрлашга ўргатиш, таълим жараёнида талабаларда мустақил билим олиш қобилиятини шакллантириш, таълимда ўқувчи ва талабаларни фаоллаштириш, уларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, касбий мобиллик сифатларини шакллантириш, таълимни инновацион технологиялар асосида ташкил қилиш, технологик ёндашув тамойилларига асосланган ҳолда таълимни оптималлаштириш - таълим сифатини оширшга қаратилган тадқиқотларниң марказий масалалари сифатида қаралмоқда.

Ҳозирги шароитда ўзгаришлар, ривожланиш тез суратларда кечмоқдаки, бу эса ишчи ва мутахассислардан тезкор ҳаракатларни, мослашувчанликни талаб этмоқда. Ўзгарувчан шароитларга мослашувчан мутахассислар зарур. Табиий равишда мослашувчан мутахассис ўзида бир қанча касбий сифатларни ривожлантириб бориши, ўз устида ишлиши, яъни касбий мобил мутахассисга хос бўлган хусусиятларни мужассам этмоғи лозим. Шахсада касбий мобилликни қачонки у мустақил ҳаракат қилгандагина шакллантириш мумкин. Талабаларда касбий мобилликни шаклланишининг мухим шарти бу – талаба шахсининг ўзини-ўзи ривожлантиришга, мустақил таълим олишга, ўқув-касбий фаолиятга онгли муносабатда бўлишга индивидуал ёндашувнинг мавжудлигидир.

Бу шартларни амалий ва лаборатория машғулотларида амалга ошириш анча енгил кечади, лекин уни маъруза дарсларида амалга ошириш катта қийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки, маъруза ҳамма талабалар учун бир хил ўқилади. Бунда талаба билиш жараёни субъекти эмас, балки ўқувчи ва тарбияланувчи (объект) бўлиб қолади. Билимларни тайёр ҳолда олиб, талабалар уларни назарий жихатдан эслаб қолади ва имтихон, назоратларда ўйламасдан, касби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қўллашади, айниқса кичик курсларда. Билимлар ҳар бир янги маълумот, ҳар бир янги факт интеграцияланиб, мавжуд билимлар тизимиға киритилса янада самарали ўзлаштирилади.

Бўлажак мутахассис шахсининг мустақил таълим олиши ва ижодий ривожланиши олий ўқув юртларида, жумладан, республикамиздаги техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида таълим фаолиятида алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунда таълим муассасаларининг хусусияти талабани-бўлажак мутахассисларни ўқув вақтларининг кўпроқ қисмини мустақил таълим машғулотларида тайёргарликни олиб боришни талаб этади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, агарда талабаларга мустақил тайёрланишга бир хил шартлар билан масалалар берилса, мустақил тайёрланиш вақтида ўқувчиларнинг барчаси



Үзүүкүв аудиториясида бўлса, масалаларни мустақил ечиш билан жуда камчилиги шуғулланади, кўпчилиги эса тайёр ечимни тушунмаган холда кўчиришади. Шу муносабат билан таълимни индивидуаллаштириш принципи муҳим аҳамиятга эгадир. Ўйлаймизки, таълимни индивидуаллаштириш шартларини амалга оширувчи, мустақил тайёргарлик учун вазифаларни талабаларнинг шахсан ўзи бажариши заруриятини белгиловчи самарали воситалардан бири сифатида кредит-модул таълим мухити намоён бўлади.

Индивидуал танлов вазиятини яратиш талабаларнинг билиш фаолиятини мустақил ташкил этишга, мустақил таълим олишига, мақсад қўйиш кўникмаларини шакллантиришга ва умуман шахснинг ривожланишига ёрдам беради. Замонавий жамиятда шахсий ва касбий мукаммалликка эришишга қаратилган, мустақил ва ташаббускор мутахассислар талаб этилади. Шу сабабли бўлажак мутахассислар юқори сезувчанликка, ижтимоий касбий мобилликка, билимларни динамик янгилашга ва кенгайтиришга тайёргарликка эга бўлиб, улар нафақат янги билимларни ўзлаштиришда, балки мустақилликни шахснинг муҳим хусусиятлари сифатида ривожлантириб, уларни олиш усусларини эгаллаб, ўз функцияларини самарали бажаришга, барча янги масалаларни қийинчиликларсиз ечишга кодир бўлишлари керак.

Замонавий педагогикада ривожланиш, ўзини-ўзи ривожлантиришни, ўзининг диалектик боғлиқликдаги таълим ва мустақил таълимни амалга ошириш воситалари ва компонентлари бўлган яхлит жараён сифатида кўриб чиқилади. Ўқув ва мустақил таълим жараёнида индивид ўзини бошқаларнинг ёрдами билан ўқитиб алоҳида сай-харакатлар қилади. Мустақил таълим деганда англаш, ижодий ҳарактер билан ажралиб турадиган, нафақат маълум билим ва кўникмаларни, фаолиятнинг турли хил усусларини (коммуникатив, билиш ва б.) эгаллашга, шунингдек, шахснинг ўзини-ўзи ривожлантириши учун зарур бўлган шахсий хусусиятларни ривожлантиришга қаратилган фаолият тушунилади.

Мустақил таълимни шакллантириш воситаси бўлган анъанавий таълим шаклидан фарқли ўлароқ, кредит-модул таълим шароитидаги мустақил таълим - таълимнинг махсулдорлиги ва натижаси сифатини таъминловчи муҳим восита дея қараш ўринлидир. Агар таълим ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсирини назарда тутса, унда мустақил таълимда шахс бир вақтнинг ўзида ўқув фаолиятининг ҳам субъекти, ҳам обьекти сифатида намоён бўлади.

Бу мустақил таълимнинг тизимли компонентларининг (мақсадни белгилаш, ўзини-ўзи ташкил этиш ва ривожлантириш, билиш фаолиятига эҳтиёж ва мустақил таълим) ўзига хослигини белгилайди ва субъектдан рефлексияни талаб этади.

Муҳим фарқ шундаки, таълим мақсадини ўқитувчи белгилайди, мустақил таълимда ўқитувчи белгилаган мақсад билан бир қаторда ўқувчининг ҳам ўз мақсадлари амалга оширилади. Мустақил мақсадни белгилаш сезиларли тарзда фаолиятнинг самарадорлигини оширади, шунингдек, мустақил таълим субъектининг ўқув-касбий мукаммалликга эришишлага ва шахсий ўсишига ёрдам беради.

Бунда педагогнинг асосий вазифаси – ўқув фаолиятининг шарт-шароитлари ҳамда ўқитувчи белгилаган мақсадлардан келиб чиқиб, ўқувчининг тўғриланадиган ва тўлдириладиган конструктив мотивациясини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. Мустақил таълим жараёнида ўқувчи рефлексиясининг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, мақсадга эришишга қаратилган билиш мотивлари ва сай-харакатлари асосида амалга оширилади. Мазмунли мотив сифатида таълим олувчининг фаол билишга қизиқиши намоён бўлади.

Мустақил таълим ҳаракатлантирувчи куч сифатида - талабанинг яққол билиш фаолияти ва шахснинг ривожланиши ўртасида фаол билишга қизиқиши қондиришга имкон берувчи қарама-қаршилик намоён бўлади. Мустақил таълимга интилиш - бўлажак мутахассис ўзининг вазифасидан ташқарига чиқиш қобилиятини анлагандан, шу билан бир вақтда ўзини ижодий ўзгартиргандан ва фаол билишга қизиқиши қониқтиргандан пайдо бўлади. Мустақил таълимда фаолият натижаларини баҳолаш жараёнида мақсадлар



LORACHEVSKY
UNIVERSITY

N Novosibirskiy
Государственный
Университет
настоящая наука

Новосибирский
Государственный
Технический Университет
НЭТИ

МФТИ

кўринишидаги янги мазмунли мотивлар вужудга келади. Натижада талаба шахсининг мотивацион тузилишини такомиллаштириш, мотивларни янада мукаммал иерархиялаштириш содир бўлади, бошқача қилиб айтганда талаба шахсининг мобиллик нуқтаи назаридан шаклланиши содир бўлади.

Мустақил таълим - таълим маҳсулни ва билиш фаолиятининг юқори даражаси сифатида, шахсга ўқитувчи томонидан белгиланган талаблар чегарасидан чиқишга, вазият устидан фаолликни намойиш этишга, ўз имкониятларини янги даражада баҳолашга имкон беради.

Талабанинг ижодий фаоллигини ривожлантириш шарт-шароитлари бу – фаол билишга интилишда мотивлар иерархияси хукмронлиги ва ўқув-билиш фаолиятининг ижодий ҳарактеридир.

Шуниси аниқки, таълим муассасаси битирувчилари жамият талабларига мос келиши учун анъанавий методлар қаторида талабаларнинг эгилувчан ва рефлексив фикрлашини шаклланишига, мослашиб имкониятларини ривожлантиришга, долзарб масалаларни танқидий ва башоратли баҳолашга имкон берувчи методларни қўллаш зарурдир. Бунда асосан таълим жараёнига таълимнинг кредит-модул тизимини тадбиқ этиш орқали эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳасанова М.У., Жуманова М.Ғ. Кредит – модуль тизими ва унинг амалиётга жорий этиш тамойиллари (олий таълим муассасаларида математика ўқитишида). - «Oriental Art and Culture» Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020. 264-270 бетлар.

2. А.Турабов, Инновацион таълим муҳитида бўлажак мутахассисларнинг касбий мобиллигини умумривожлантириш ва ихтисослаштириш тамойили асосида шакллантириш. “Таълим, фан ва инновация” маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал. Тошкент, 2022-йил 6-сон, 220-223 бетлар.

3. А.Турабов, Олий таълимда касбий мобил кадрларни тайёрлаш ҳусусиятлари ва ушбу жараённинг муҳим, аҳамиятли компонентлари. «Қиёсий педагогиканинг долзарб муаммо ва ечимлари» халқаро илмий- амалий конференция материаллари. Жиззах давлат педагогика институти, 2022 йил, 5 май, 229-232 бетлар.



Lobachevsky
UNIVERSITY



Новосибирский
государственный
университет
настоящая наука



Новосибирский
государственный
технический университет
НЭТИ

МФТИ